

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2023 йил апрель ойининг 7 куни Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи - вилоят судининг судьяси И.Абраев, ҳайъат судьялари Т.Бекпулатов ва С.Сувонкуловдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ж.Убайдуллаевнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори С.Қурбонов, жабрланувчи Ф.М., У.Н., Б.М., О.Қ., А.Д., Ў.Ч., Н.Т., Э.С., фуқаровий даъвогар О.Н., судланувчи Ш.Д. ва унинг химоячиси адвокат П.Махманазаровнинг иштирокида, судланувчи Ш.Д.га оид суд ҳукмига нисбатан судланувчи Ш.Д. ва унинг адвокати П.Махманазаров билан биргаликда келтирилган апелляция шикоятини жиноят иши билан текшириб чиқиб қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2022 йил 22 декабрдаги ҳукмига кўра,

Д.Ш.Х., 1993 йил 23 февраль куни Термиз шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оиласидан ажрашган, уч нафар фарзанди бор, судланмаган, ишламайди, илгари “AS-QASHQADARYO-SERVIS” шўъба корхонаси “call sentr” ходими ва “AS-NAMANGAN-SERVIS” шўъба корхонаси Термиз филиали савдо бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган, Термиз шаҳри “Боғзор” маҳалласида яшайди, иш юзасидан 2022 йил 22 июль кунидан қамоқда сақланмоёда, айблов хулосаси нусхасини олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б,в” бандлари билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида 3 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.



Судланувчи Ш.Д.. томонидан Марказий банкнинг Сурхондарё вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамига тўланган 60.550.000 сўм пул маблағидан жабрланувчи Н.Т..га 1.525.400 сўм; А.Э..га 6.909.840 сўм; “Avtosanoat Invest” МЧЖга 52.114.760 сўм олиб бериш белгиланган.

Судланувчи Ш.Д..дан “Avtosanoat Invest” МЧЖга 529.303.700 сўм миқдоридаги моддий зарар ундириш;

судланувчи Ш.Д..дан жабрланувчи А.Э..га 70.180.320 сўм миқдоридаги моддий зарар ундириш;

судланувчи Ш.Д..дан жабрланувчи Н.Т..га 15.493.200 сўм миқдоридаги моддий зарар ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ш.Д.. AS-QASHQADARYO-SERVIS” шўъба корхонаси Термиз филиали “call sentr” ходими вазифасида ишлаб келиб, ўзига олдиндан таниш бўлган филиалнинг савдо бўлими бошлиғи лавозимида ишловчи “бошқа шахс” билан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, ўзларининг хизмат вазифаларидан фойдаланиб, фуқароларнинг мулкларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш бўйича тузган жиноий режасига асосан 2021 йил 2 декабрь куни “GM Uzbekiston” АЖ да ишлаб чиқарилган “Дамас” русумли автомобиллар сотиб олмоқчи бўлиб келган Шеробод тумани “Новбир” маҳалласида яшовчи фуқаро **М.А.Б.**га автомашинаси учун корхона номидан шартнома тақдим қилиб, унга тўлов пулларини ўзларига нақд тўлаши лозимлигини айтиб, уни алдаб, кўп миқдордаги яъни “Дамас” автомашинаси учун 100 фоиз тўлов пули 78.283.000 сўмни ҳамда 2022 йил 14 апрель куни “Кобалт” автомашинаси учун 85 фоиз тўлов пуллари яъни 64.323.000 сўмни қўлга киритиб, ушбу пулларни корхонанинг ҳисоб рақамига тўлов қилмасдан, пуллар қабул қилганлиги бўйича жиноий шериги “бошқа шахс” билан биргаликда сохта тўлов қвитанциясини тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, фуқаро А.М..га “Дамас” ҳамда “Кобалт” автомобилларини етказиб бермасдан, жиноий шериги “бошқа шахс” билан фирибгарлик йўли билан қўлга киритилган 142.606.000 сўмни ўзларининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юбориб А.М..га кўп миқдорда зарар етказган.

Олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида Ш.Д.. томонидан фуқаро А.М..га етказилган 142.606.000 сўм моддий зарар тўлиқ қоплаб берилган.

2. Ш.Д.. “AS-QASHQADARYO-SERVIS” шўъба корхонаси Термиз филиалида ўзининг жиноий шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиноий ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2022 йил 20 апрель куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Кобалт” русумли автомобиль сотиб олмоқчи бўлиб келган Шеробод тумани “Новбир”



маҳалласида яшовчи фуқаро **Э.А.П.га** автомашинаси учун корхона номидан шартнома тақдим қилиб, унга тўлов пулларини ўзларига нақд шаклда тўлаши лозимлигини айтиб, уни алдаб, кўп миқдордаги яъни “Кобалт” автомашинаси учун 85 фоиз тўлов пули 84.000.000 сўмни нақд шаклда қўлга киритиб, ушбу пулларни корхонанинг ҳисоб рақамига тўлов қилмасдан, пуллар қабул қилганлиги бўйича жиноий шериги “бошқа шахс” билан биргаликда сохта тўлов квитанциясини тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, фуқаро А.Э.га “Кобалт” автомашинасини етказиб бермасдан, жиноий шериги Х.Дж. билан фирибгарлик йўли билан қўлга киритилган 84.000.000 сўмни ўзларининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

3. Ш.Д.. “AS-QASHQADARYO-SERVIS” шўъба корхонаси Термиз филиалида ўзининг жиноий шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиноий ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2021 йил 22 декабрь куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Дамас” русумли автомашина сотиб олмоқчи бўлиб келган, Ангор тумани “Гилямбоб” маҳалласида яшовчи **Т.Г.Ш.га** автомашинаси учун корхона номидан шартнома тақдим қилиб, унга тўлов пулларини ўзларига нақд шаклда тўлаши лозимлигини айтиб, уни алдаб, анча миқдордаги яъни “Дамас” автомашинаси учун 85 фоиз тўлов пули 66.541.000 сўмни нақд шаклда қўлга киритиб, ушбу пулларни корхонанинг ҳисоб рақамига тўлов қилмасдан, пуллар қабул қилганлиги бўйича жиноий шериги “бошқа шахс” билан биргаликда сохта тўлов квитанциясини тақдим қилиб, фуқаро Г.Т.га “Дамас” автомашинасини етказиб бермасдан жиноий шериги “бошқа шахс” билан фирибгарлик йўли билан қўлга киритилган 66.541.000 сўмни корхона ҳисоб рақамига кирим қилмасдан ўзларининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юбориб фуқаро Г.Т.га анча миқдорда зарар етказган.

Олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида Ш.Д.. томонидан фуқаро Г.Т.га етказилган 66.541.000 сўм моддий зарар тўлиқ қоплаб берилганлиги тўғрисида тилхат билан мурожаат қилган.

4. Ш.Д.. “AS-NAMANGAN-SERVIS” шўъба корхонаси Термиз филиалида ўзининг жиноий шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиноий ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 15 июнь куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Кобалт” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Термиз шаҳар “Мажнунтол” маҳалласида яшовчи **Н.У.И.га** автомашинаси учун корхона номидан 2022 йил 15 июль кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, унга тўлов пулларини ўзларига нақд шаклда тўлаши



лозимлигини айтиб, “Кобалт” автомашинаси учун 40 фоиз тўлов пули 57.700.000 сўмни нақд шаклида “бошқа шахс”га берганидан сўнг, корхона ҳисоб рақамига тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Кобалт” русумли автомашинаси етказиб берилганидан сўнг У.Н. томонидан автомашина учун ойма-ой 2.930.000 сўмдан эмас 3.000.000 сўмдан 21 ой яъни 2022 йил март ойига қадар Ш.Д. ва унинг жиной шериги “бошқа шахс”лар унинг ишончига кириб, ушбу пулларни ўзлари тўлов қилишга ишонтириб, нақд шаклда жами бўлиб 63.000.000 сўмни олиб қолиб, 19.072.722 сўмни ўзларига олиб қолиб, қолган 43.927.278 сўмни корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб, пуллар қабул қилганлиги, тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ва автомашина тақиқдан чиққанлиги тўғрисида сохта квитанцияни жиной шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, Ш.Д. ва унинг жиной шериги “бошқа шахс” билан фирибгарлик йўли билан қўлга киритилган 19.072.722 сўмни ўзларининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юбориб фуқаро У.Н.га моддий зарар етказган.

5. Ш.Д. “AS-NAMANGAN-SERVIS” шўъба корхонаси Термиз филиалида ўзининг жиной шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиной ҳаракатлари учун жиной жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиной ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 11 июнь куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Спарк” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Термиз шаҳар “Юлдуз” маҳалласида яшовчи **Х.Ф.С.ў.** га автомашинаси учун корхона номидан 2021 йил 11 июнь кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Спарк” автомашинаси учун 70 фоиз тўлов пули 51.477.000 сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Спарк” русумли автомашинаси етказиб берилганидан сўнг Ф.Х. томонидан автомашина учун ойма-ой автомашина учун тўловларни банк орқали корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб, 2021 йил апрель ойида охириги икки ойлик тўлов пуллари яъни 4.084.000 сўмни Ш.Д. ўзи корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб қўйишини айтиб, уни ишонтириб, уни алдаб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ва автомашина тақиқдан чиққанлиги тўғрисида сохта квитанцияни жиной шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 4.084.000 сўмдан 2.088.679 сўмни корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб қолган 1.995.320 сўм пулларни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб фуқаро Ф.Х.га моддий зарар етказган.

6. Ш.Д. ўзининг жиной шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиной ҳаракатлари учун жиной жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиной



ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 9 июнь куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Кобалт” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Термиз шаҳар “Амусохил” маҳалласида яшовчи **И.Х.Д.**га автомашинаси учун корхона номидан 2022 йил 15 июнь кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Кобалт” автомашинаси учун 40 фоиз тўлов пули 57.695.000 сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Кобалт” русумли автомашинаси етказиб берилганидан сўнг **Х.И.** томонидан автомашина учун ойма-ой автомашина учун тўловларни банк орқали корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб келаётганлигидан хабар топган **Ш.Д.** унга қўнғироқ қилиб, банк орқали эмас тўловлар ўзи орқали амалга оширишини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, қолган 14 ойлик ойма-ой 3.000.000 сўмдан жами 42.000.000 сўмни нақд шаклида **Ш.Д.** ва унинг жиний шериги “бошқа шахс” томонидан олиб қолиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ва автомашина тақиқдан чиққанлиги тўғрисида сохта квитанцияни жиний шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 42.000.000 сўмдан 1.031.600 сўмни корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб қолган 40.968.400 сўм пулларни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб фуқаро **Х.И.**га анча миқдорда зарар етказган.

7. **Ш.Д.** ўзининг жиний шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиний ҳаракатлари учун жиний жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиний ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 13 август куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Ласетти элегант” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Термиз шаҳар “Юлдуз” маҳалласида яшовчи **Ў.Ў.Р.ў.**га автомашинаси учун корхона номидан 2021 йил 15 август кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Ласетти элегант” автомашинаси учун 75 фоиз тўлов пули 103.594.500 сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Ласетти элегант” русумли автомашинаси етказиб берилганидан сўнг **Ў.Ў.** томонидан автомашина учун ойма-ой тўловларни банк орқали корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб келаётганлигидан хабар топган **Ш.Д.** унга қўнғироқ қилиб, банк орқали эмас тўловлар ўзи орқали амалга оширишини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, қолган 10 ойлик ойма-ой 2.780.000 сўмдан жами 28.780.000 сўм пулларни нақд шаклида **Ш.Д.** ва унинг жиний шериги “бошқа шахс”лар томонидан олиб қолиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ва автомашина тақиқдан чиққанлиги тўғрисида сохта квитанцияни жиний шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 28.780.000 сўмдан 14.392.500 сўмни корхона ҳисоб рақамига тўлов



қилиб қолган 14.392.500 сўмни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб фуқаро Ў.Р.Ў.га моддий зарар етказган.

8. Ш.Д.. ўзининг жиний шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб, содир этган жиний ҳаракатлари учун жиний жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиний ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 13 июль куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Кобалт” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Термиз шаҳар “Дўстлик” маҳалласида яшовчи **М.О.Ё.Ў.** га автомашинаси учун корхона номидан 2022 йил 15 июль кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Кобалт” автомашинаси учун 40 фоиз тўлов пули 57.700.000 сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Кобалт” русумли автомашинаси етказиб берилганидан сўнг О.М.томонидан автомашина учун ойма-ой тўловларни банк орқали корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб келиб, ойма-ой тўловни амалга оширишнинг имкони бўлмасдан қолганидан сўнг Ш.Д.. унга автомашинани сотишга Термиз шаҳар “Гулираъно” маҳалласида яшовчи Д.А.А.ни учраштириб қўйиб, унга 2021 йил 30 июль куни 79.000.000 сўмга сотган, шу вақтда Ш.Д.. О.М.дан ойма-ой тўловлар қилинмаган деб ундан 11.740.000 сўм пулларни олган, қолган 12 ойлик ойма-ой тўловни А.Д..га тўловларни банк орқали эмас тўловлар ўзи орқали амалга оширишини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, 2021 йил август ойидан 2022 январь ойига қадар 3.000.000 сўмдан жами 18.000.000 сўмни нақд шаклида олиб, унга тўловлар амалга оширилганлиги ва автомашина тақиқдан чиққанлиги тўғрисида сохта квитанцияни жиний шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 18.000.000 сўмни корхона ҳисоб рақамига кирим қилмасдан, ўзларининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб, автомашинани тақиқдан чиқармасдан кетганлиги оқибатида А.Д.. корхонага ойма-ой тўловларни ўз вақтида тўланмаганлиги сабабли пеня пули билан бирга 20.090.400 сўмни корхона ҳисоб рақамига банк орқали тўлашга мажбур бўлган. Натижада Ш.Д.. ва “бошқа шахс”лар томонидан О.М.га 11.740.000 сўм ва А.Д..га 20.090.400 сўм моддий зарар етказган.

9. Ш.Д.. ўзининг жиний шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиний ҳаракатлари учун жиний жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиний ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 30 июль куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Кобалт” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Термиз тумани “Янги хаёт” маҳалласида яшовчи **М.Б.Б.** га автомашинаси учун корхона номидан 2022 йил 15 август кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Кобалт” автомашинаси учун 40 фоиз тўлов пули 57.300.000



сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Кобалт” русумли автомашинаси етказиб берилган, Б.М.. томонидан автомашина учун ойма-ой тўловларни банк орқали корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб келаётганлигидан хабар топган Ш.Д.. унга қўнғироқ қилиб, банк орқали эмас тўловлар ўзи орқали амалга оширишини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, қолган 16 ой давомида ойма-ой 3.000.000 сўмдан жами 48.000.000 сўмни нақд шаклида Ш.Д.. ва унинг жиноий шериги “бошқа шахс”лар томонидан олиб қолиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги тўғрисида сохта квитанцияни жиноий шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 48.000.000 сўмдан 9.000.000 сўмни корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб қолган 39.000.000 сўмни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб Б.М..га моддий зарар етказган.

10. Ш.Д.. ўзининг жиноий шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиноий ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиноий ҳаракатлари такроран давом эттириб, 2020 йил 5 июнь куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Кобалт” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Термиз шаҳар “Тупроқ кўрғон” маҳалласида яшовчи М.Д.Д.га автомашинаси учун корхона номидан 2022 йил 15 июнь кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Кобалт” автомашинаси учун 40 фоиз тўлов пули 57.695.000 сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Кобалт” русумли автомашинаси етказиб берилганидан сўнг Д.М. томонидан автомашина учун ойма-ой тўловларни банк орқали корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб келаётганлигидан хабар топган Ш.Д.. унга қўнғироқ қилиб, банк орқали эмас тўловларни ўзи орқали амалга оширишини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, қолган 22.400.000 сўмни нақд шаклида Ш.Д.. ва унинг жиноий шериги “бошқа шахс”лар томонидан олиб қолиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ва автомашина тақиқдан чиққанлиги тўғрисида сохта квитанцияни жиноий шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 22.400.000 сўмдан 4.887.100 сўмни корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб қолган 17.512.900 сўмни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, фуқаро Д.М.га моддий зарар етказган.

11. Ш.Д.. ўзининг жиноий шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиноий ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 8 июнь куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Спарк” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Термиз шаҳар “Турон”



маҳалласида яшовчи **А.Қ.К.**га автомашинаси учун корхона номидан 2021 йил 15 июнь кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Спарк” автомашинаси учун 70 фоиз тўлов пули 51.440.000 сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Спарк” русумли автомашинаси етказиб берилган, Қ.А. томонидан автомашина учун ойма-ой автомашина учун тўловларни банк орқали корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб келаётганлигидан хабар топган Ш.Д.. унга қўнғироқ қилиб, банк орқали эмас тўловлар ўзи орқали амалга оширишини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, қолган 5 ойлик ойма-ой тўлови учун 2.042.000 сўмдан жами 10.210.000 сўмни нақд шаклида Ш.Д.. ва унинг жинойий шериги “бошқа шахс”лар томонидан олиб қолиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ва автомашина тақиқдан чиққанлиги тўғрисида сохта квитанцияни жинойий шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 10.210.000 сўмдан 1.706.680 сўмни корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб қолган 8.503.320 сўмни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб фуқаро Қ.А.га моддий зарар етказган.

12. Ш.Д.. ўзининг жинойий шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жинойий ҳаракатлари учун жинойий жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жинойий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 11 июнь куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Спарк” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Термиз шаҳар “А.Авлоний” маҳалласида яшовчи **Р.Ж.Ў.ў.** га автомашинаси учун корхона номидан 2021 йил 15 июнь кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Спарк” автомашинаси учун 40 фоиз тўлов пули 47.124.500 сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Спарк” русумли автомашинаси етказиб берилган, Ж.Р.. томонидан автомашина учун ойма-ой автомашина учун тўловларни банк орқали корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб келаётганлигидан хабар топган Ш.Д.. унга қўнғироқ қилиб, банк орқали эмас тўловлар ўзи орқали амалга оширишини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, қолган 57.562.542 сўмни нақд шаклида Ш.Д.. ва унинг жинойий шериги “бошқа шахс”лар томонидан олиб қолиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ва автомашина тақиқдан чиққанлиги тўғрисида сохта квитанцияни жинойий шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 57.562.542 сўмдан 26.466.500 сўмни корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб қолган 31.096.042 сўмни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб фуқаро Ж.Р..га анча миқдордаги зарар етказган.



13. Ш.Д.. ўзининг жиноий шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиноий ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 14 май куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Ласетти” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Бандихон тумани “Полвонтош” маҳалласида яшовчи **Э.З.Қ.**га автомашинаси учун корхона номидан 2022 йил 15 июнь кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Ласетти” автомашинаси учун 50 фоиз тўлов пули 80.115.000 сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Ласетти” русумли автомашинаси етказиб берилган, Э.С.. томонидан автомашина учун ойма-ой тўловларни банк орқали корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб келаётганлигидан хабар топган Ш.Д.. унга қўнғироқ қилиб, ўзининг пластик картасига ташлаб туришини айтганлиги сабабли, унинг гапларига ишониб, қолган пулларини пластик картасига ташлаб берган Ш.Д.. ва унинг жиноий шериги “бошқа шахс”лар томонидан ушбу пулларни олиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ва автомашина тақиқдан чиққанлиги тўғрисида сохта квитанцияни жиноий шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, олган пулларида 1.928.000 сўмни корхона ҳисоб рақамига тўлов қилмасдан ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб фуқаро Э.С..га моддий зарар етказган.

14. Ш.Д.. ўзининг жиноий шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиноий ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 25 май куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Нексия-3” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Термиз тумани “Намуна” маҳалласида яшовчи **Г.Ф.Э.ў.**га автомашинаси учун корхона номидан 2022 йил 15 июнь кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Нексия-3” автомашинаси учун 50 фоиз тўлов пули 54.512.500 сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Нексия-3” русумли автомашинаси етказиб берилган, Ф.Г.. томонидан автомашина учун ойма-ой тўловларни банк орқали корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб келаётганлигидан хабар топган Ш.Д.. унга қўнғироқ қилиб, банк орқали эмас тўловлар ўзи орқали амалга оширишини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, қолган 45.000.000 сўмни нақд шаклида Ш.Д.. ва унинг жиноий шериги “бошқа шахс”лар томонидан олиб қолиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ва автомашина тақиқдан чиққанлиги тўғрисида сохта квитанцияни жиноий шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, 45.000.000 сўмдан 14.693.278 сўмни корхона ҳисоб



рақамига тўлов қилиб қолган 30.306.722 сўмни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб фуқаро Ф.Г..га анча миқдорда зарар етказган.

15. Ш.Д.. ўзининг жиноий шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиноий ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 3 июль куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Кобалт” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Термиз шаҳар “Тулистон” маҳалласида яшовчи **М.Н.Я.**га автомашинаси учун корхона номидан 2022 йил 15 июнь кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Кобалт” автомашинаси учун 40 фоиз тўлов пули 57.300.000 сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Кобалт” русумли автомашинаси етказиб берилган, Н.М.. томонидан автомашина учун ойма-ой автомашина учун тўловларни банк орқали корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб келаётганлигидан хабар топган Ш.Д.. унга қўнғироқ қилиб, банк орқали эмас тўловлар ўзи орқали амалга оширишини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, қолган 26.345.000 сўмни нақд шаклида Ш.Д.. ва унинг жиноий шериги “бошқа шахс”лар томонидан олиб қолиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ва автомашина тақиқдан чиққанлиги тўғрисида сохта квитанцияни жиноий шериги «бошқа шахс» билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 26.345.000 сўмдан 5.790.600 сўмни корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб қолган 20.554.400 сўмни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, фуқаро Н.М..га моддий зарар етказган.

16. Ш.Д.. ўзининг жиноий шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиноий ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 30 июнь куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Кобалт” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Термиз тумани “Намуна” маҳалласида яшовчи **Р.Х.Д.**га автомашинаси учун корхона номидан 2022 йил 15 июнь кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Кобалт” автомашинаси учун 40 фоиз тўлов пули 57.300.000 сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Кобалт” русумли автомашинаси етказиб берилган, Х.Р.. томонидан автомашина учун ойма-ой тўловларни банк орқали корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб келаётганлигидан хабар топган Ш.Д.. ва унинг шериги “бошқа шахс” банк орқали эмас тўловларни ўзи орқали амалга оширишини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдашиб, қолган 11.974.400 сўмни нақд шаклида Ш.Д.. ва унинг жиноий шериги “бошқа шахс”лар томонидан олиб қолиб, унга



тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ва автомашина тақиқдан чиққанлиги тўғрисида сохта қвитанцияни жиноий шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 11.974.400 сўмни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, фуқаро Х.Р.га моддий зарар етказган.

17. Ш.Д.. ўзининг жиноий шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиноий ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 9 июль куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Тракер” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Қумқўрғон тумани “Халаки” маҳалласида яшовчи **Б.Б.С.**га автомашинаси учун корхона номидан 2023 йил 15 июнь кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Тракер” автомашинаси учун 40 фоиз тўлов пули 75.900.040 сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Тракер” русумли автомашинаси етказиб берилган, Б.Б.. томонидан автомашина учун ойма-ой автомашина учун тўловларни банк орқали корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб келаётганидан сўнг 2020 йил 14 декабрь куни филиалга келиб Ш.Д.. ва унинг жиноий шериги “бошқа шахс”лар ўзлари қолган пулларни корхона ҳисоб рақамига тўлашини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, ундан қолган 97.419.000 сўмни нақд шаклида Ш.Д.. ва унинг жиноий шериги “бошқа шахс”лар томонидан олиб қолиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ва автомашина тақиқдан чиққанлиги тўғрисида сохта қвитанцияни жиноий шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 97.419.000 сўмдан 55.594.000 сўмни корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб қолган 41.825.000 сўмни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, фуқаро Б.Б.га анча миқдорда зарар етказган.

18. Ш.Д.. ўзининг жиноий шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиноий ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 4 май куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Ласетти” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Денов туманида яшовчи **М.Х.И.**га автомашинаси учун корхона номидан 2021 йил ноябрь ойига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Ласетти” автомашинаси учун 70 фоиз тўлов пули 81.000.000 сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Ласетти” русумли автомашинаси етказиб берилган, Х.М.. томонидан автомашина учун ойма-ой тўловларни филиалга келиб Ш.Д.. ва унинг жиноий шериги “бошқа шахс”лар ўзлари корхона ҳисоб рақамига



тўлашини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, нақд пул шаклида тўловлари олиб, 15.337.100 сўм пулларни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, фуқаро Х.М.га моддий зарар етказган.

19. Ш.Д.. ўзининг жиноий шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиноий ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 13 июль куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Кобалт” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Шеробод тумани “Пашхурт” маҳалласида яшовчи **Б.Б.К.**га автомашинаси учун корхона номидан 2023 йил 15 июнь кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Кобалт” автомашинаси учун 70 фоиз тўлов пули 80.771.420 сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Кобалт” русумли автомашинаси етказиб берилган, Б.Б.. томонидан автомашина учун ойма-ой тўловларни банк орқали корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб келаётганидан хабар топиб, бундан кейинги тўловларни филиалга келиб тўлаши кераклигини айтиб, Ш.Д.. ва унинг жиноий шериги “бошқа шахс”лар ўзлари қолган пулларни корхона ҳисоб рақамига тўлашини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, ундан қолган 13.602.370 сўмни нақд шаклида Ш.Д.. ва унинг жиноий шериги “бошқа шахс”лар томонидан олиб қолиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ва автомашина таққидан чиққанлиги тўғрисида сохта квитанцияни жиноий шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 13.602.370 сўмни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, фуқаро Б.Б.га моддий зарар етказган

20. Ш.Д.. ўзининг жиноий шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиноий ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 6 июль куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Кобалт” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Термиз шаҳар “Боғзор” маҳалласида яшовчи **Г.В.В.**га автомашинаси учун корхона номидан 2022 йил 15 июнь кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Кобалт” автомашинаси учун 40 фоиз тўлов пули 57.300.000 сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Кобалт” русумли автомашинаси етказиб берилган, В.Г.. томонидан автомашина учун ойма-ой автомашина учун тўловларни банк орқали корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб келаётганидан филиалга келиб Ш.Д.. ва унинг жиноий шериги “бошқа шахс”лар ўзлари қолган пулларни корхона ҳисоб рақамига тўлашини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, ундан қолган 16.448.300 сўмни нақд шаклида Ш.Д.. ва унинг жиноий шериги “бошқа шахс”лар



томонидан олиб қолиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ва автомашина тақиқдан чиққанлиги тўғрисида сохта квитанцияни жиной шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 16.448.300 сўмни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, фуқаро В.Г.га моддий зарар етказган.

21. Ш.Д.. ўзининг жиной шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиной ҳаракатлари учун жиной жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиной ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 7 август куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Нексия-3” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Термиз шаҳар “Мангузар” маҳалласида яшовчи **М.Ф.С.**га автомашинаси учун корхона номидан 2022 йил 15 август кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Нексия-3” автомашинаси учун 50 фоиз тўлов пули 57.700.000 сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Нексия-3” русумли автомашинаси етказиб берилган, Ф.М.. томонидан автомашина учун ойма-ой автомашина учун тўловларни банк орқали корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб келаётганидан филиалга келиб Ш.Д.. ва унинг жиной шериги “бошқа шахс”лар ўзлари қолган пулларни корхона ҳисоб рақамига тўлашини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, ундан қолган 13.549.962 сўм ҳамда пеня пули деб 8.615.097 сўмни нақд шаклида Ш.Д.. ва унинг жиной шериги “бошқа шахс”лар томонидан олиб қолиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ва автомашина тақиқдан чиққанлиги тўғрисида сохта квитанцияни жиной шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 22.156.059 сўмдан 7.695.869 сўмни корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб, қолган 14.460.190 сўмни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, фуқаро Ф.М.га моддий зарар етказган.

22. Ш.Д.. ўзининг жиной шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиной ҳаракатлари учун жиной жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиной ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 8 июль куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Кобалт” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Термиз тумани “Наврўз” маҳалласида яшовчи **А.Б.Б.**га автомашинаси учун корхона номидан 2022 йил 15 август кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Кобалт” автомашинаси учун 50 фоиз тўлов пули 67.000.000 сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Кобалт” русумли автомашинаси етказиб берилган, Б.А.. томонидан автомашина учун тўловларни банк орқали корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб келаётганидан филиалга келиб Ш.Д.. ва унинг жиной шериги “бошқа шахс”лар ўзлари қолган пулларни



корхона ҳисоб рақамига тўлашни айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, ундан 2022 йил январь ойига қадар жами 28.663.400 сўмни нақд шаклида Ш.Д.. ва унинг жиноий шериги “бошқа шахс”лар томонидан олиб қолиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ва автомашина тақиқдан чиққанлиги тўғрисида сохта квитанцияни жиноий шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 28.663.400 сўмни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, фуқаро Б.А..га моддий зарар етказиб фуқаро Б.А..га моддий зарар етказган.

23. Ш.Д.. ўзининг жиноий шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиноий ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 8 август куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Ласетти” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Термиз тумани “Хайратон” маҳалласида яшовчи **Ж.Ж.А.** га автомашинаси учун корхона номидан 2021 йил 15 август кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Ласетти” автомашинаси учун 70 фоиз тўлов пули 103.594.500 сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Ласетти” русумли автомашинаси етказиб берилган, Д.Ж.. томонидан автомашина учун ойма-ой автомашина учун тўловларни банк орқали корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб келаётганидан филиалга келиб Ш.Д.. ва унинг жиноий шериги “бошқа шахс”лар ўзлари қолган пулларни корхона ҳисоб рақамига тўлашни айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, ундан 2021 йил август ойига қадар жами 34.531.000 сўмни Ш.Д.. ва унинг жиноий шериги “бошқа шахс”лар томонидан олиб қолиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ва автомашина тақиқдан чиққанлиги тўғрисида сохта квитанцияни жиноий шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 34.531.000 сўмдан 23.531.000 сўмни корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб, қолган 11.000.000 сўмни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

24. Ш.Д.. ўзининг жиноий шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиноий ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 13 июль куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Кобалт” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Музработ тумани “Маданият” маҳалласида яшовчи **Ч.Ў.Х.** га автомашинаси учун корхона номидан 2022 йил 15 август кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Ласетти” автомашинаси учун 40 фоиз тўлов пули 58.000.000 сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан



шартномада кўрсатилган муддат ичида “Кобалт” русумли автомашинаси етказиб берилган, Ў.Ч. томонидан автомашина учун ойма-ой автомашина учун тўловларни банк орқали корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб келаётганидан филиалга келиб Ш.Д. ва унинг жиний шериги “бошқа шахс”лар ўзлари қолган пулларни корхона ҳисоб рақамига тўлашни айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, ундан 2021 йил апрель ойига қадар жами 29.364.330 сўмни нақд шаклида Ш.Д. ва унинг жиний шериги “бошқа шахс”лар томонидан олиб қолиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги тўғрисида сохта квитанцияни жиний шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 29.364.330 сўмдан 2.977.430 сўмни корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб, қолган 26.386.900 сўмни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, фуқаро Ў.Ч.га моддий зарар етказган.

25. Ш.Д. ўзининг жиний шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиний ҳаракатлари учун жиний жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиний ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 15 июнь куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Кобалт” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Термиз шаҳар “Жўйижангал” маҳалласида яшовчи **Н.Ж.А.**га автомашинаси учун корхона номидан 2022 йил 15 июнь кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Кобалт” автомашинаси учун 40 фоиз тўлов пули 57.300.000 сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Кобалт” русумли автомашинаси етказиб берилган, Ж.Н. томонидан автомашина учун ойма-ой тўловларни банк орқали корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб келаётганидан филиалга келиб, Ш.Д. ва унинг жиний шериги “бошқа шахс”лар ўзлари қолган пулларни корхона ҳисоб рақамига тўлашни айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, ундан 2022 йил апрель ойига қадар жами 38.270.000 сўмни нақд шаклида Ш.Д. ва унинг жиний шериги “бошқа шахс”лар томонидан олиб қолиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ҳамда автомашина тақиқдан чиқарилганлиги тўғрисида сохта квитанцияни жиний шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 38.270.000 сўмдан 11.212.600 сўмни корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб, қолган 27.057.400 сўмни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, фуқаро Ж.Н.га моддий зарар етказган.

26. Ш.Д. ўзининг жиний шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиний ҳаракатлари учун жиний жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиний ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 15 июль куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Кобалт” русумли



автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Термиз шаҳар “5 кичик даҳа” 7/15 уйда яшовчи **Н.Ф.Ж.**га автомашинаси учун корхона номидан 2022 йил 15 июль кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Кобалт” автомашинаси учун 80 фоиз тўлов пули 80.000.000 сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Кобалт” русумли автомашинаси етказиб берилган, Ф.Н.. томонидан автомашина учун ойма-ой тўловларни банк орқали корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб келган, филиалга келиб, Ш.Д.. ва унинг жинойи шериги “бошқа шахс”лар ўзлари қолган пулларни корхона ҳисоб рақамига тўлашини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, ундан 5 ой учун жами 14.423.000 сўмни нақд шаклида Ш.Д.. ва унинг жинойи шериги “бошқа шахс”лар томонидан олиб қолиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ҳамда автомашина тақиқдан чиқарилганлиги тўғрисида сохта квитанцияни жинойи шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 14.423.000 сўмни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, фуқаро Ф.Норқуловга моддий зарар етказган.

27. Ш.Д.. ўзининг жинойи шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жинойи ҳаракатлари учун жинойи жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жинойи ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 14 июль куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Спарк” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Жарқўрғон тумани “Янгиобод” маҳалласида яшовчи **Х.М.М.**га автомашинаси учун корхона номидан 2021 йил 15 июль кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Спарк” автомашинаси учун 70 фоиз тўлов пули 51.000.000 сўмни банк орқали тўловлар амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Спарк” русумли автомашинаси етказиб берилган, М.Х.. томонидан автомашина учун ойма-ой автомашина учун тўловларни банк орқали корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб келган, филиалга келиб, Ш.Д.. ва унинг жинойи шериги “бошқа шахс”лар ўзлари қолган пулларни корхона ҳисоб рақамига тўлашини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, ундан жами 8.168.000 сўмни нақд шаклида Ш.Д.. ва унинг жинойи шериги “бошқа шахс”лар томонидан олиб қолиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ҳамда автомашина тақиқдан чиқарилганлиги тўғрисида сохта квитанцияни жинойи шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 8.168.000 сўмдан 2.054.483 сўмни корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб, қолган 6.113.320 сўмни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, фуқаро М.Х..га моддий зарар етказган.

28. Ш.Д.. ўзининг жинойи шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жинойи ҳаракатлари учун жинойи жавобгарликка



тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 5 июнь куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Малибу-2” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Бойсун тумани “Косиблар” маҳалласида яшовчи фуқаро **С.С.З.**га автомашинаси учун корхона номидан 2023 йил 15 июль кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Малибу-2” автомашинаси учун 40 фоиз тўлов пули 111.328.933 сўмни “бошқа шахс”га тўловларни амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Малибу-2” русумли автомашинаси етказиб берилган, С.С. томонидан автомашина учун филиалга келиб, Ш.Д. ва унинг жиноий шериги “бошқа шахс”лар ўзлари қолган пулларни корхона ҳисоб рақамига тўлашини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, ундан 2021 йил апрель ойига қадар жами 68.681.571 сўмни нақд шаклида Ш.Д. ва унинг жиноий шериги “бошқа шахс”лар томонидан олиб қолиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги тўғрисида сохта қвитанцияни жиноий шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 180.010.504 сўмдан 111.328.933 сўм пулларни корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб, қолган 68.681.571 сўмни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, фуқаро С.С.га анча миқдорда зарар етказган.

29. Ш.Д. ўзининг жиноий шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиноий ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 30 июнь куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган 1 дона “Спарк” ҳамда 2 дона “Кобалт” русумли автомашиналарини сотиб олмоқчи бўлиб келган Термиз шаҳар “Ўзбекистон” маҳалласида яшовчи фуқаро **Р.А.М.ў.**га автомашиналар учун корхона номидан 2022 йил 15 июль кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, ўзининг 1 дона “Кобалт” автомашинаси учун 40 фоиз тўлов пули 57.695.000 сўм, отаси Ш.М.Р.нинг номига 1 дона “Кобалт” автомашинаси учун 40 фоиз тўлов пули 57.695.000 сўм, амакиси Б.Б.Б.ў.нинг номига 1 дона “Спарк” автомашинаси учун 50 фоиз тўлов пули 50.157.000 сўмни корхона ҳисоб рақамига банк орқали тўловларни амалга оширган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида автомашинаси етказиб берилган, С.С. томонидан автомашина учун ойма-ой автомашина учун филиалга келиб, Ш.Д. ва унинг жиноий шериги “бошқа шахс”лар ўзлари қолган пулларни корхона ҳисоб рақамига тўлашини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, ундан 2021 йил апрель ойига қадар жами ўзининг “Кобалт” автомашинаси учун қолган 70.474.399 сўм, отаси М.Ш.нинг “Кобалт” автомашинаси учун 46.982.933 сўм ҳамда Б.Б.нинг “Спарк” автомашинаси учун 24.503.420 сўмни нақд шаклида Ш.Д. ва



унинг жиноий шериги “бошқа шахс”лар томонидан олиб қолиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ҳамда ўзининг “Кобалт” автомашинаси ва Б.Б.нинг “Спарк” автомашинаси учун тақиқдан чиққанлиги тўғрисида сохта квитанцияларни жиноий шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, ушбу сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, А.Р. нинг “Кобалт” автомашинаси учун 70.474.399 сўмдан корхона ҳисоб рақамига 40.378.799 сўмни, отаси М.Ш.нинг “Кобалт” автомашинаси учун 46.982.933 сўмдан корхона ҳисоб рақамига 28.478.466 сўм, Б.Б.нинг “Спарк” автомашинаси учун 24.503.420 сўмдан корхона ҳисоб рақамига 16.336.000 сўмни тўлов қилиб, қолган жами 56.767.487 сўмни ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, фуқаро А.Р.га анча миқдорда зарар етказган.

30. Ш.Д.. ўзининг жиноий шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиноий ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 27 июль куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Кобалт” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Ангор тумани “Шарқ гули”да яшовчи фуқаро **Т.Н.Б.**га автомашинаси учун корхона номидан 2022 йил 15 июль кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Кобалт” автомашинаси учун 40 фоиз тўлов пули 57.700.000 сўмни корхона ҳисоб рақамига банк орқали тўловни амалга оширган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Кобалт” русумли автомашинаси етказиб берилган, Н.Т.. томонидан автомашина учун ойма-ой автомашина учун банк орқали тўловни амалга оширган, 2020 йил октябрь ойидан пулларни ўз вақтида банкка келиб тўлов қилишнинг имкони бўлмаганлиги сабабли филиалга келиб, Ш.Д.га ўзига тегишли пластик картасини бериб, ҳар ойлик тўловларни кесиб олишини айтиб берган, Ш.Д.. ва унинг жиноий шериги “бошқа шахс” 2020 йил октябрь ойидан 2021 йил ноябрь ойига қадар 18.544.400 сўмни кесиб олиб, ушбу пулларни корхона ҳисоб рақамига тўлов қилмасдан ўзларини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, фуқаро Н.Т.га моддий зарар етказган.

31. Ш.Д.. ўзининг жиноий шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиноий ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 9 июль куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Кобалт” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Термиз шаҳар “Завқий” кўчасида 24-уй яшовчи фуқаро **Н.И.Р.**га автомашинаси учун корхона номидан 2022 йил 15 июль кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Кобалт” автомашинаси учун 40 фоиз тўлов пули 57.300.000 сўмни “бошқа шахс”га тўловларни амалга оширилган, корхона



томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Кобалт” русумли автомашинаси етказиб берилган, И.Н.томонидан автомашина учун ойма-ой автомашина учун филиалга келиб, Ш.Д.. ва унинг жиний шериги “бошқа шахс”лар ўзлари қолган пулларни корхона ҳисоб рақамига тўлашини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, ундан 2021 йил апрель ойига қадар жами 44.908.400 сўмни нақд шаклида Ш.Д.. ва унинг жиний шериги “бошқа шахс”лар томонидан олиб қолиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ҳамда автомашина тақиқдан чиқарилганлиги тўғрисида сохта квитанцияни жиний шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 44.908.400 сўмни корхона ҳисоб рақамига тўлов қилмасдан ўзларининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, фуқаро И.Н.га анча миқдорда зарар етказиб, фуқаро И.Н.га анча миқдорда зарар етказган.

32. Ш.Д.. ўзининг жиний шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиний ҳаракатлари учун жиний жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиний ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 13 август куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган “Кобалт” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Бойсун тумани “Мустақиллик” маҳалласида яшовчи фуқаро **С.Н.Д.**га автомашинаси учун корхона номидан 2022 йил 15 июль кунига қадар бўлган шартнома тақдим қилиб, “Кобалт” автомашинаси учун 75 фоиз тўлов пули 83.000.000 сўмни “бошқа шахс”га тўловларни амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида “Кобалт” русумли автомашинаси етказиб берилган, Н.С.томонидан автомашина учун ойма-ой автомашина учун филиалга келиб, Ш.Д.. ва унинг жиний шериги “бошқа шахс”ларга пластик карта орқали 2.888.000 сўмдан жами 34.617.000 сўм корхона ҳисоб рақамига тўлашини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб олиб, унга тўловлар тўлиқ амалга оширилганлиги ҳамда автомашина тақиқдан чиқарилганлиги тўғрисида сохта квитанцияни жиний шериги “бошқа шахс” билан бирга тақдим қилиб, сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, 34.617.000 сўмдан 8.635.000 сўмни корхона ҳисоб рақамига тўлов қилиб, қолган 25.982.000 сўмни ўзларининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, фуқаро Н.С.га моддий зарар етказган.

33. Ш.Д.. ўзининг жиний шериги “бошқа шахс” билан бир гуруҳ бўлиб содир этган жиний ҳаракатлари учун жиний жавобгарликка тортилмасдан қолганлигидан фойдаланиб, ўзларининг жиний ҳаракатлари такроран давом эттириб, 2020 йил 7 август куни филиалга “GM Uzbekiston” АЖда ишлаб чиқарилган 2 дона “Тракер” русумли автомашинасини сотиб олмоқчи бўлиб келган Ангор тумани “Наврўз” маҳалласида яшовчи фуқаро **Қ.О.Б.**га автомашинаси учун корхона номидан 2022 йил 15 июль кунига қадар бўлган шартнома тақдим



қилиб, “Тракер” автомашинаси учун 40 фоиз тўлов пули 160.000.000 сўмни “бошқа шахс”га тўловларни амалга оширилган, корхона томонидан шартномада кўрсатилган муддат ичида 2 дона “Тракер” русумли автомашинаси етказиб берилган, О.Қ. томонидан автомашина учун ойма-ой автомашина учун филиалга келиб, Ш.Д. ва унинг жинойи шериги “бошқа шахс”ларга нақд шаклида 5 ой давомида пулларни тўлов қилган, пуллар тўлов бўлганлиги тўғрисида сохта квитанциялар тақдим этган вақтида Ш.Д. томонидан 16.356.956 сўмни корхона ҳисоб рақамига тўлов қилинмаганлигини хабар топган вақтида Ш.Д. ушбу пулларни ўзи тўлов қилиб беришини айтиб, пулларни тўлов қилмасдан ўзларининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, фуқаро О.Қ.га моддий зарар етказган.

Судланувчи Ш.Д. адвокати П.Махманазаров билан берган шикоятда, 42.5000.000 сўм пул маблағини ижара тўлови учун бергани сабабли умумий зарардан чегиришни, Н.Т. 31.374.400 сўмни, Б.М. 24.000.000 сўмни, Э.С. 1.928.000 сўмни, О.Қ. 12.000.000 сўмни, Ф.М. 8.000.000 сўмни ўзи тўлаши лозимлиги, етказилган зарарнинг ярмидан кўпроғини қоплагани, аёл киши эканлиги, уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, ёлғиз боқувчи эканлиги, ота-онаси нафақада эканлигини инобатан олиб, ўзига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Судланувчи Ш.Д. апелляция инстанция судида, шикоятини қувватлаб, айбига қисман иқрорлик билдириб, 2021 йил февраль ойида “AUTO CENTRE-QASHQADARYO” МЧЖ билан шартнома тузиб, Термиз шаҳрида дилерлик марказини очиб Фидокор кўчасида бир бинони ижарага олиб фаолият юрита бошлагани, филиалда у ва Ж. Х. билан бирга ишлаб миждозлар билан автомашина харид қилиш бўйича шартнома расмийлаштиргани, агар бирор миждоз автомашина харид қилмоқчи бўлиб филиалга келса, унга онлайн равишда шартнома чиқариб беришини, шартнома базадан онлайн чиқарилганлиги сабабли расмийлаштирилган санаси ва шартнома рақами автоматик равишда белгиланиши, агар харидор етти кунлик муддат ичида автомашина сотиб олиш учун шартномада кўрсатилган суммани тўламаса шартнома автоматик равишда бир томонлама бекор қилинишини, улар Термиз шаҳрида дилерлик филиалини очиб автомашина сотганлиги учун ҳар бир сотилган автомашина нархининг 0,02 фоиз бонус олганини, ҳақиқатдан ҳам у фуқаро М.А.Б. дан 1 дона “Дамас” автомашинаси ва 1 дона “Коблат” автомашинаси учун жами бўлиб 142.606.000 сўм миқдоридаги пулларни олгани, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборгани, ҳозирги вақтда у А.М.га етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб бергани, бундан ташқари 59.703.920 сўм миқдоридаги пуллардан у ва Х. ака жами бўлиб 3 дона автомашина учун 38.440.000 сўм миқдоридаги пулларни олиб салон



ҳисоб рақамига кирим қилмасдан ўзларининг шахсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборгани, Қ.А. нинг ҳозирги вақтда 8.503.320 сўм миқдоридаги қарздорлиги мавжуд бўлсада, машинани тақиқдан чиқариб берганини, у ушбу пулларни Х. ака билан ўзларининг шахсий эҳтиёжи учун сарфлаб юборгани, фуқаро Б.Б.нинг жами бўлиб 13.602.370 сўм миқдоридаги қарздорлиги мавжуд бўлсада у ва Х.. ака Б.Б.дан олган пулларни салонга кирим қилмасдан ўзларининг шахсий эҳтиёжи учун сарфлаб юборгани, у ва Х. ака 21.000.000 сўм миқдоридаги пулларга ҳисоблаб Ф. акадан доллар кўринишида олгани, ушбу пулларни салон ҳисоб рақамига кирим қилмасдан 30.306.772 сўм миқдоридаги пуллар тўғри ҳисоблангани, ҳақиқатдан ҳам у ва Х.Дж. бирга фуқаро Б.Б.нинг жами бўлиб 35.149.400 сўм миқдоридаги пулларни олгани, у ва Х.Дж. ўзларининг шахсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборгани, у ва Х.Дж. бирга фуқаро М.О.дан автомашина тўловидан сўнг пеня пули деб жами бўлиб 11.740.400 сўм миқдоридаги пулларни олгани ва ўзларининг шахсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборгани, у билан бирга ишловчи Д.М.нинг турмуш ўртоғини жияни бўлган У. га автомашина учун 2000 АҚШ доллари миқдоридаги пуллар ва 700.000 сўм миқдорида пулларни олиб уларга автомашинани тақиқдан чиқариб олиши бўйича хатни бергани, у фуқаро Ф.М.дан 8.615.097 сўм миқдоридаги пулларни олмаганмани, у Ф.М.дан 4.000.000 сўм миқдоридаги олгани, лекин судни ҳукмида 14.460.190 сўм зарар ундириш чиқаргани, ҳозирда ўзини яқин қариндошлари томонидан Ф.М.га 8.615.097 сўм нақд пул шаклида тўлаб бергани, ҳақиқатдан ҳам Х.. ака билан бирга Н.Ж.А. билан бирга жами 27.057.400 сўм миқдорида пулларни олгани, у Ж.Н.ни автомашинасини тақиқдан чиқариш учун хат қилиб бергани, у Х.. ака билан бирга фуқаро Н.Ф.Ж.дан 14.423.000 сўм миқдоридаги пулларни олиб ушбу пулларни салон ҳисоб рақамига кирим қилмасдан ўзларининг шахсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборгани, ҳозирги кунда автомашина тақиқдан чиқарилгани, у ва Х.. ака билан бирга фуқаро Р.Х.Дж.дан жами бўлиб 1100 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олгани, 1100 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни салон ҳисоб рақамига кирим қилмасдан ўзларининг шахсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборгани, ҳозирги кунда автомашина тақиқдан чиқарилгани, у Р.Ж.ни номида бўлган “Спарк” русумли автомашинани сотиб олгани, ушбу автомашинани Ж.. бошқариб юргани, ҳозирги вақтда чиқиб келган 31.096.042 сўм миқдоридаги пулларни у тўлаши кераклиги, у ва Х.. ака билан фуқаро Б.Б.С.дан олган пулини билмаслиги, лекин ҳақиқатдан ҳам пулни олгани, 97.419.000 сўм миқдоридаги пуллардан 55.594.000 сўм миқдоридаги пулларни банкка кирим қилиб қолган 41.825.000 сўм миқдоридаги пулларни банкка салон ҳисоб рақамига кирим қилмасдан ўзларининг шахсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборгани, у ва Х.. ака билан фуқаро М.Х.И.дан жами бўлиб



15.337.100 сўм миқдоридаги пулларни салонга кирим қилишини айтиб салон ҳисоб рақамига кирим қилмасдан бино ижараси учун Р.И.акага бериб келгани, Х.. ака 68.682.571 сўм миқдоридаги пулларни С.акадан олганини, у фақат пуллар учун чек чиқариб бергани, у ва Х.. ака билан фуқаро Н.И.Р.дан 44.908.400 сўм миқдоридаги пулларни олиб ўзларини шахсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборганини, у ва Х.. ака А.Д.дан жами бўлиб 20.090.400 сўм миқдоридаги пулларни олиб салон ҳисоб рақамига кирим қилмасдан ўзларини шахсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборгани, у С.Н.Д.дан жами бўлиб 34.617.000 сўм миқдоридаги пулларни олиб 8.635.000 сўм миқдоридаги пулларни салонни ҳисоб рақамига кирим қилиб қолган 25.982.000 сўм миқдоридаги пулларни у ва Х.. ака ўзларини шахсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборганини, у Э.А.П.дан жами бўлиб 84.000.000 миллион сўм миқдоридаги пулларни “Кобалт” автомашинаси учун олгани, Н.У. ака пулларини Х.. акага бериб келгани, у У.Н.дан ҳеч қандай пулларни олмагани, фуқаро Ф. ака унга жами бўлиб 4.084.000 сўм миқдоридаги пулларни тўлагани, у ушбу пуллардан 2.088.679 сўм миқдоридаги пулларни салон ҳисоб рақамига кирим қилмасдан ўзининг шахсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборгани, у фуқаро И.Х.Д.дан охириги марта 15.000.000 сўм миқдоридаги пулларни олгани, у ва Х.. ака жами бўлиб 40.968.400 сўм миқдоридаги пулларни ушбу салон ҳисоб рақамига кирим қилмасдан ўзларини шахсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборгани, у ва Х.. ака фуқаро Ў.Ў.Р.ў.дан 28.780.000 сўм миқдоридаги пулларни олгани, ушбу пуллардан жами бўлиб 14.387.500 сўм миқдоридаги пулларни тўлов қилиб қолган пулларни кирим қилмасдан ўзларини шахсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборгани, у фуқаро Э.З.Қ.дан 1.928.289 сўм миқдоридаги пулларни олгани, пулларни салон ҳисоб рақамига кирим қилмагани, у фуқаро М.Н.Я.дан Х.. ака билан жами бўлиб 20.554.400 сўм миқдорида пул олгани, фуқаро Г.В.В. уларнинг салонига келиб тўловларни қилиб кетгани, В.Г.. Х.. ака билан таниш бўлганлиги сабабли Х.. акага тўловларни қилгани, фуқаро Ж.Ж.А.дан 34.531.000 сўм миқдоридаги пулларни у ва Х.. ака олиб ушбу пуллардан 23.531.000 сўмини кирим қилгани, қолган 11.000.000 сўм миқдоридаги пулларини Х.. ака ўзини эҳтиёжи учун ишлатиб юборгани, фуқаро Ч.Ў.Х. 26.386.900 сўм миқдоридаги пулларни у ва Х.. акага олиб келиб бергани, у ушбу пуллардан 3.000.000 сўмини кирим қилиб қолган 23.386.900 сўм миқдоридаги пулларни у ва Х.. ака ўзини эҳтиёжи учун ишлатиб юборгани, суднинг қарорида эса 29.364.330 сўм кўрсатиб хато ёзилгани, аслида эса 23.386.900 сўм миқдорида қардорлиги борлигини, у ва Х.. ака билан бирга фуқаро Т.Н.дан жами бўлиб 18.500.000 сўм миқдоридаги пулларни салонга кирим қилмасдан ўзларини шахсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборгани, қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, унинг уч нафар вояга етмаган фарзандлари



борлигини, ёлғиз она эканлигини, аёл киши эканлигини инобатга олиб, қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Ф.М. апелляция инстанция судида, у Термиз шаҳрида нотариусда ишлаганлиги сабабли автосалон ходимлари уларга рекламаларини ташлаб кетгани, шунда у автомашина олмоқчи бўлиб рекламада кўрсатилган рақамга кўнғироқ қилгани, телефонда Ш... билан гаплашгани, Ш... унга пули фақат “Нексия-3” га етишини ва яна 10.000.000 сўм миқдоридаги пуллари кераклигини айтгани, у 55.700.000 сўм миқдоридаги пулларни Термиз шаҳрида жойлашган “Асака банк”га бориб тўловни амалга ошириб келгани, у шундан сўнг 2 йил давомида автомашинанинг пулларини банкка бориб тўлаб юргани, шундан сўнг у автомашинани сотмоқчи бўлиб бирдан тақиқдан чиқариб қолган суммасини тўлиқ тўлаб юбормоқчи бўлгани, у Ш...га кўнғироқ қилиб ҳозирги вақтда уни қанча қарзи қолганлигини сўраган вақтида Ш... унга жами бўлиб 13.540.962. сўм миқдоридаги қарздорлиги қолганлигини айтгани, у шуни тўламоқчи эканлигини айтган вақтида Ш... пулларни уларга олиб келиб тўлашини айтгани, кейин эса ўзи ушбу 13.540.962 сўм миқдордаги пулни банкга олиб бориб тўлагани, у автосалондан тақиқдан чиқариб бериш учун Ш... 8.615.097 сўм миқдоридаги пулларни тўлаши кераклигини айтгани, у автомашинани сотиши кераклиги ва тақиқдан чиқариши кераклиги сабабли Ш... айтган пеня пулини 8.615.097 сўм миқдоридаги пулларни ҳам Ш...га бергани, Ш... унга тақиқда йўқлиги ҳақида хат бергани, Ш...ни эса яқин қариндошлари томонидан ўзига 8.615.097 сўм нақд пул бергани, ўзини эса ҳозирда автосалондан ўзига нисбатан 8.615.097 сўм қарздорлик чиқиб келаётгани, ўша вақти ўзи Ш...га тақиқдан чиқариб бериш учун 8.615.097 сўм пул бергани, фақат шу берган пулини қайтариб олгани, ҳозирда эса нима сабабдан ўзига автосалондан 8.615.097 сўм қарздорлик чиқиб келаётганлигини билмаслиги, лекин ўзини ҳеч қанақа қарзи йўқлигини, 8.615.097 сўм қарздорлик пулини тўламаслигини, сабаби ўзига Ш... эса тақиқда турмайди деб хат берганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Жабрланувчи Э.С.. апелляция инстанция судида у ўзига олдиндан таниш бўлган ва бир маҳаллада истиқомат қилувчи А.М.. билан учрашиб Термиз шаҳар “Соҳил” манзилгоҳида жойлашган “AUTO-CENTRE-QASHQADARYO” МСНЈга автомашина сотиб олиш учун тўловни амалга оширганлигини эшитиб қолгани, у нафақада бўлган отаси Э.П.нинг номига тўловни амалга оширгани, сабаби автомашинани дадасига сотиб олиб бермоқчи бўлгани, шундан кейин А.М.. билан 2022 йил 20 апрель куни Термиз шаҳар “Соҳил” манзилгоҳида жойлашган “AUTO-CENTRE-QASHQADARYO” МСНЈнинг маъмурий биносига келиб Д. Ш... билан учрашгани, у Ш.Д..дан “Кобалт” автомашинасига тўлов ва



қанча вақтда етказиб берилиши юзасидан маълумот сўрагани, у Ш.Д.га Кобалт автомашинасининг тўлови учун 50 фоизидан кўпроқ бўлган 74 миллион сўм миқдоридаги пул маблағларини бергани, Ш.Д. унга “ҳисоб маълумотнома учун” ёзувли квитанция ҳамда шартномани бергани, шундан кейин у 2022 йил 16 май куни Термиз шаҳар “Соҳил” манзилгоҳида жойлашган “AUTO-CENTRE-QASHQADARYO” МСНЈнинг маъмурий биносига таниши А.М. билан бирга келгани, у Ш.Д. билан гаплашиб “Кобалт” автомашинаси учун яна 10.000.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини тўлов қилгани, у анча машинани чиқишини кутгани, машина салондан чиқмагандан кейин ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга хабар берганини, ҳозирда автосалондан 1.928.000 сўм қарздорлиги борлиги ҳақида кўрсатув берди.

Жабрланувчи У.Н. апелляция инстанция судида, у ўзини акаси Н.га автомашина олиш нияти борлигини айтгани, акаси “Афруз” тўйхонаси олида янги очилган авто салонга шартнома қилиш кераклигини шу ерда ишловчи Х.га бориб учрашиши кераклигини айтгани, у салонда Х. ака билан учрашгани, Х. ака яқин кунлар ичида акция бўлишини унга “Кобалт” автомашинасини олиб беришини айтгани, шу вақтда унда 57.700.000 сўм миқдоридаги пуллар борлиги сабабли, ушбу пулларни Х. аканинг қўлига олиб бориб бергани, у бир ойдан кейин “Кобалт” автомашинасини олиб кетгани, у автомашинани олиб чиқиб кетаётган вақтида Х. ака унга автомашинани суғурта қилиши кераклигини айтгани, шунинг учун 2.200.000 сўм миқдоридаги пулларни бериши кераклигини айтгани, у Х. акага 2.200.000 сўм миқдоридаги пулларни бергани, у автомашина чиққандан сўнг 24 ой давомида тўловини қилиб юргани, у ҳар ой ортиғи билан 3.000.000 сўм миқдоридаги пулларни Х. аканинг қўлига олиб бориб бергани, ҳозирги кунга келиб у автосалондан ўзини ҳисоб китоби бўйича 8.600.000 сўм миқдоридаги пул қарздорлик бўлиши кераклиги, лекин автосалон уни 19.072.722 сўм миқдоридаги пул қарздорлик чиқариб тургани, у ушбу пулларни Х. акани қўлига олиб бориб берганини, 2022 йил январь ойида унга автосалон ходими кўнғироқ қилиб қарздорликни тўламаганлиги учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига ариза билан мурожаат қилишини айтганини, ўзини телефон рақамига 19.072.722 сўм қарздорлик келгани, ушбу 19.072.722 сўм пуллардан ташқари ўзи ҳозирда тўлаши керак бўлган 8.600.000 сўм миқдоридаги пулларни бериши кераклиги ҳақида кўрсатув берди.

Жабрланувчи Б.М. апелляция инстанция судида, у Термиз шаҳар “Аму соҳил” томондаги салонда бир йигитдан “Кобалт” автомашинаси учун шартнома олгани, шундан сўнг ушбу шартномага “Кобалт” автомашина олиш учун 57.300.000 сўм миқдоридаги пулларни Термиз шаҳрида жойлашган “Хамкорбанк”га бориб тўлагани, шундан сўнг машина чиққанидан сўнг мен ушбу автомашина пулни 2 йил ичида



тўлашим керак бўлгани, шундан сўнг у ҳар ойнинг 15 санасига келиб пулларни тўлаб бориши керак бўлгани, у ушбу пулларни ўз вақтида 2 ёки учун кун фарқ билан тўлаб келгани, Ш.Д.. тўловларни ўзига тўлашини айтгани, у Ш.Д..га тўловларни амалга ошириб келгани, ўзи эса Ш...га эса 48 млн сўм пул бериб келгани, ўзини эса автосалон олдида 15.000.000 сўмдан қарздорлиги борлигини, шартнома муддати эса июль ойига бўлганлиги, ўзи эса 5 ой давомида кредит тўловларини тўламай келганлиги, ҳозирда эса автосалондан жами бўлиб 39.000.000 сўм миқдоридagi пуллари қарздорлик сифатида чиқаргани, ушбу пуллардан ташқари ўзини эса 39.000.000 сўм қарздорлиги борлиги ҳақида кўрсатув берди.

Жабрланувчи О.Қ.. апелляция инстанция судида, у автомашина сотиб олиш ниятида Термиз шаҳар “АС-Қашқадарё-Сервис” шўъба автосалон корхонасидан “Трекер” автомашинаси сотиб олиш учун АТБ “Асака банк” Термиз филиалига мурожаат қилгани, 2020 йил ушбу АТБ “Асака банк” Термиз филиалига иккита “Трекер” автомашина сотиб олиш учун 88.000.000 сўм ва 72.000.000 сўм бошланғич тўлов суммасини амалга оширгани, шундан сўнг у Термиз шаҳар автосалондан трекер автомашинаси учун ҳар ойига 4.000.000 сўм, Қашқадарё вилояти автосалонидан 4.200.000 сўм миқдоридa ойлик тўловни амалга ошириб келгани, у ушбу автомашиналар учун тўловни автосалонда ишловчи Д. Ш... исмли автосалон ходимига нақд кўринишда тўлаб келгани, шундан сўнг унинг яшаш уйига Қашқадарё вилояти автосалондан ходимлар келиб, ундан автосалондан олган Трекер автомашинасининг ойлик тўловларини тўламаётганлиги сабабли ундан ушбу автомашина қаерда ва кимнинг ихтиёрида эканлигини сўрагани, шу вақтда у автосалон ходимларига автомашина тўловларини тўлаганлигини исботловчи квитанцияни кўрсатгани, шундан сўнг Термиз шаҳар автосалонидa ишловчи Д. Ш... у тўлаган 15.000.000 сўм пулларни Қашқадарё вилояти автосалони ҳисоб рақамига ўз ҳисобидан тўловни амалга оширгани, шундан сўнг у қолган иккита Трекер автомашина тўловларини АТБ “Асака банк” ва АТБ “Капитал банк” Термиз филиалига тўловларни амалга оширгани, уч ой давомида пул тўлови қилинмагани, ҳозирда эса Ш... эса 12.500.000 сўм қарздорлигини тўлаб бериши кераклигини, қолган пеня қарздорлигини билмаслиги, агар Ш... ўша белгиланган вақтда пул тўловларини амалга оширдагина ушбу пеня ҳисобланмаслиги ҳақида кўрсатув берди.

Жабрланувчи А.Д.. апелляция инстанция судида, 2021 йил 30 июль куни Термиз шаҳар “Дўстлик” маҳалласида яшовчи О.М.дан “Кобалт” русумли автомашинасини сотиб олганлиги, ўзи эса банк билан 36 ой ойма-ой тўлов қилиш шарти билан олганлиги ва банк томонидан берилган график бўйича тўлов қилганлиги, ойни охирида



Х.. 5.700.000 сўм қарзорлик борлигини айтганлиги кейин эса ўзи ушбу пулни тўлов қилиб тақиқда турмаслик тўғрисида хат олганлиги, кейин ўзи нотариусга келган вақтида Наманган автосалон ўзини автомашинасини тақиқда қўйганлигини айтганлиги, кейин ўзи Наманган автосалон билан боғланганлиги, улар эса 20.100.000 сўм қарзорлик борлигини айтганлиги, кейин эса Ш... билан гаплашган вақтида Ш... эса хал бўлади деб айтганлиги, кейин ўзи Наманган автосалонда 20.100.000 сўм пул тўлов қилганлиги ва автосалон эса ўзини автомашинасини тақиқдан чиқариб берганлиги, ҳозирда эса Ш...ни отаси ўзига 20.100.000 сўм қарздорлик пуллари тўлаб берганлиги, ўзини эса Ш...га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Жабрланувчи Ў.Ч.. апелляция инстанция судида, у Ш.Д..ни 2020 йил 13 июль кунидан буён таниши, у шу вақтда “Кобалт” русумли автомашина сотиб олиш мақсадида Термиз шаҳрида жойлашган “Ас-Наманган-сервис” шўъба корхонаси филиалига мурожаат қилиб, ушбу корхонада ишловчи Ш.Д.. билан танишиб қолгани, шунда у корхона ходимларидан “Кобалт” русумли автомашина сотиб олиб, Ш.Д..нинг гапи билан банкка автомашина нархи 115.390.000 сўмнинг ярмини яъни 58.000.000 сўмини тўлагани, Ш.Д.. унга тўловнинг қолган қисмини ҳар ойига 2.936.433 сўм миқдорда ўзига тўлаб кетишни айтганини, шу сабабли 10 ой давомида 30.000.000 миллион сўмга яқин пулни Ш.Д..га тўлагангани, кейинчалик салон ходимлари қўнғироқ қилиб, “тўловингиз ўтказилмасдан қолиб кетаяпти” деб айтганидан сўнг у Ш.Д..га ҳар ойда тўловни бериб келаётганлигини айтгани, кейинчалик Ш.Д.. ундан олган пуллари салон ҳисоб рақамига ўтказмасдан, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганлиги, кейинги тўловларни банкка тўлов қилиб келгани, Ш.Д..га берган пуллари банкка тўлиқ қайтарилмаганлиги, ҳозирда Ш... автосалонга 23.386.900 сўм пул тўлаши кераклигини, суд вақтида эса Ш... 3.000.000 сўм пул тўлов қилганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Жабрланувчи Н.Т.. апелляция инстанция судида, 2020 йил 27 июль куни салонга бориб “Кобалт” автомашинаси учун шартнома олганини, шундан сўнг у автомашина дастлабки тўлови учун Термиз шаҳрида жойлашган “Асакабанк”га бориб 57.700.000 сўм миқдоридаги пуллари тўлов қилганини, у автомашинани пулини тўлашга вақти йўқлиги учун ўзига тегишли бўлган “Капиталбанк” картасини Ш...га бериб қўйганини, Ш...га ҳар ойда карта 8.000.000-10.000.000 сўм миқдоридаги пуллар тушишини, шу пластик картадан ҳар ой тўланадиган суммани кесиб олишини айтиб бериб кетгани, шундан сўнг у Ш...дан ушбу пластик картани қайтариб олмагани, 2021 ноябрдан бошлаб у қолган пуллари тўлаши кераклиги, лекин 2020 йил октябрь кунидан 2021 йил ноябрь ойигача бўлган тўловларни Ш...



уни пластик картасидан кесиб олиб ушбу пулларни салон ҳисоб рақамига кирим қилмаганини билгани, натижада салон уни ҳозирги кунда 49.918.400 сўм миқдоридаги пулларни қарздорликка чиқариб қўйгани, 2020 йил июль ойига қадар уни ўзи тўлаши керак бўлган сумма 23.520.000 сўмни ташкил қилиши, у Ш...га жами бўлиб 26.398.400 сўм миқдоридаги пул маблағларини “Кобалт” автомашинаси учун тўлагани, фақат ўзи тақиқдан чиқариш учун ўзининг ҳисобидан тўловларни тўлиб қилиб тўлагани, шу пулни Н.Д.дан ундириб беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи С.С.. апелляция инстанция судида, Термиз шаҳар “Аму сохил” томонда салонга боргани, салонда ишловчи Х.. ва Ш... унга кредит шартномасини тушунтиргани, унга кредит шартлари маъқул келганидан сўнг ўзининг турмуш ўртоғи И.Н.С. нинг номига “Малибу-2” автомашинасига шартнома олгани, шундан сўнг ушбу шартномага “Малибу-2” автомашинаси олиш учун 2020 йил 5 июнь куни 40 фоизини 11.800 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни нақд шаклда тўлагани, ушбу пулларни Ш... билан Х..га бергани, Х.. билан Ш... ундан пулларни доллар кўринишида олиб сўмга ҳисоблаб жами 111.328.933 сўм миқдоридаги пулларни олгани, у шу куннинг ўзида салон олдида турган “Малибу-2” автомашинасини олиб чиққани, у қолган пулларни 3 йилга 6.000.000 сўмдан тўлаб бориш кераклиги, у шундан сўнг қолган пулларни доимий равишда салонга олиб келиб тўлаб келгани, ундан пулларни Ш... билан Х.. олиб келгани, у билан Х.. гаплашиб тургани, Ш... унга чек ёзиб бергани, салон ходимлари унга 68.681.571 сўм қарзи борлигини айтгани, ушбу қарз унинг қарзи эмаслиги, Ш... пулни тўлаб берсагина унга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар О.Н.. апелляция инстанция судида, у 2012 йил 1 ноябрь кунидан буён меҳнат қонунчилиги асосида “АС Наманган Сервис” ШКда ҳисобчи бўлиб ишлаб келишини, унинг хизмат вазифасига “АС Наманган Сервис” ШКда корхонани “Уз Авто Моторс” ва солиқ ставкаларининг ҳисоботини топшириш билан шуғулланишини ҳақиқатдан ҳам Сурхандарё вилояти Термиз шаҳрида 2020 йил 10 январь куни “АС Наманган Сервис” ШКнинг Термиз филиалини очганини, 2021 йил февраль ойида автомобилга шартнома бериш фаолиятини тўхтатганини, лекин реализация қилиш давом этганини, шундан сўнг 2021 йил сентябрь ойида тўлиқ иш фаолияти тўхтатилганини, тергов бошқармаси томонидан хизмат текшируви тайинлаб берилганидан сўнг ишчи гуруҳ бориб 7 кун давомида ўрганиш ишлари олиб борган вақтида жами рўйхатда кўрсатилган 64 нафар фуқаролардан 29 таси Ш.Д.. ва Х.Д. ларга жами 1.091.316.690,34 миқдоридаги пулларни берганлиги, шулардан 412.458.812,93 сўм миқдоридаги пуллари “UzAuto Motors” ҳисоб рақамига кирим қилиниб, 652.351.527 сўм миқдоридаги пуллар “UzAuto Motors” ҳисоб рақамига



кирим қилинмаганлиги аниқлангани, ушбу 652.351.527 сўм пул маблағидан Ш.Д.. томонидан Сурхондарё АС филиалининг бино ижараси учун тўланган 42.500.000 сўм пулини қўшмасдан, суддан етказилган зарарларни собиқ салон ходимлари бўлган Ш.Д.. ва Х.Д. лардан жами бўлиб 613.851.527 сўм миқдоридаги зарарни ундириб беришни, ушбу суммадан депозит ҳисоб рақамидаги 52.114.760 сўм пул маблағини МЧЖга ўтказиб бериш белгилангани сабабли чегиришни сўраб кўрсатув берди.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья С.Сувонқуловнинг маърузасини, прокурор С.Қурбоновнинг шикоятни рад қилиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ва зарар масаласи юзасидан иш ҳужжатларига қараб ҳуқуқий баҳо бериш, адвокат П.Махманазаровнинг шикоятни қаноатлантириб, судланувчи Ш.Д..га нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда жазо тайинлаш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган вазиятни жиноят иши материаллари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмининг моддий зарар ундирув қисмини ўзгартириб, келтирилган шикоятни қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Судланувчи Ш.Д..нинг жиноят содир этганликда айби, жабрланувчиларнинг суд мажлисида берган кўрсатувлари, жиноят иши ҳужжатларидаги жабрланувчиларнинг аризалари, ихтиёрий равишда топширилган пул маблағни қабул қилиш ҳақида баённома ва фотолавлар, шартнома нусхалари, смс ёзишмалари нусхалари, квитанция нусхалари, хизмат текшируви хулосаси, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тасдиғини топган.

Суд иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, судланувчи Ш.Д..нинг айблилиги ҳақида асосли хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузатилиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиги даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;



ушбу Кодекснинг 54-моддаси 2-қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд қилинган.

Биринчи босқич суди судланувчи Ш.Д..нинг ҳаракатини тўғри квалификация қилиб, унга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, юқоридаги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандидаги “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида”ги тушунтиришларига амал қилган ҳолда ишдаги енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, шунингдек содир этган жиноятини хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олган ҳолда унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, адолатли ва қонуний тўхтамга келган.

Ўзбекистон Республикаси 497³⁰-моддасида, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини ўзгартириш чоғида жиноят натижасида етказилган ва қопланиши белгиланган моддий зарар миқдорини, шунингдек маънавий зиённинг компенсацияси миқдорини камайтиришга ёки кўпайтиришга ҳақли экани кўрсатилган.

Шу сабабли судлов ҳайъати етказилган зарарларни ундирув масаласини қайта муҳокама қилиб, қуйидаги тўхтамга келди.

Жабрланувчи С.С.. (турмуш ўртоғи Н.И. нинг номига автомашина олинган)га етказилган зарарни унинг кўрсатувидан келиб чиқиб, 62.682.571 сўм деб ҳисоблашни лозим топди.

Ҳозирги кунда жабрланувчи Ф.М.га етказилган 8.615.097 сўм зарар судланувчи Ш.Д.нинг яқин қариндошлари томонидан тўлангани сабабли етказилган зарарни қопланганини қайд қилишни;

иш бўйича О.М. га етказилган 11.740.000 сўм ва А.Д..га етказилган 20.090.400 сўм зарар қоплангани сабабли қайд қилишни;

жабрланувчилар У.Н..га етказилган 19.072.722 сўм, Ф.Х.га етказилган 1.995.320 сўм, Х.И..га етказилган 40.968.400 сўм, Ў.Ў..га етказилган 14.392.500 сўм, Б.М..га етказилган 39.000.000 сўм, Д.М..га етказилган 17.512.900 сўм, Қ.А. га етказилган 8.503.320 сўм, Ж.Р..га етказилган 31.096.042 сўм, Э.С..га етказилган 1.928.000 сўм, Ф.Г.. етказилган 30.306.722 сўм, Н.М..га етказилган 20.554.400 сўм, Х.Р..га



етказилган 11.974.400 сўм, Б.Б.га етказилган 41.825.000 сўм, Х.М.га етказилган 15.337.100 сўм, Б.Б.га етказилган 13.602.370 сўм, В.Г.га етказилган 16.448.300 сўм, Б.А.га етказилган 28.663.400 сўм, Ж.Ж. га етказилган 10.878.500 сўм, Ў.Ч.га етказилган 23.386.900 сўм, Ж.Н.га етказилган 27.057.400 сўм, Ф.Н.га етказилган 14.423.000 сўм, М.Х.га етказилган 6.113.320 сўм, С.С.га етказилган 62.681.571 сўм, А.Р. га етказилган 30.095.600 сўм, М.Ш. га етказилган 18.504.467 сўм, Б.Б. га етказилган 8.167.420 сўм, И.Н. га етказилган 44.908.400 сўм, Н.С. га етказилган 25.982.000 сўм, О.Қ.га етказилган 16.356.956 сўм, жами **641.736.430** сўм зарарни судланувчи Н.Д. дан “Avtosanoat Invest” МЧЖга фойдасига ундиришни, бироқ МЧЖ томонидан 42.500.000 сўм ижара тўлови чегирилиши талаб қилинганини инобатга олишни ва депозитдаги 52.114.760 сўм МЧЖ фойдасига ўтказилаётгани сабабли ушбу суммани ҳам чегириб, қолган 547.121.670 сўмни судланувчи Н.Д.дан “Avtosanoat Invest” МЧЖга фойдасига ундиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497¹⁷, 497¹⁸, 497²⁶, 497³⁰, 497³¹, 497³⁶-моддаларига асосланиб, судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л д и:

Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2023 йил 22 декабрдаги Д.Ш.Х.га нисбатан чиқарилган суд ҳукмининг моддий зарар ундирув қисми ўзгартирилсин.

Жабрланувчи Ф.М., О.М. ва А.Д.га етказилган зарар қоплангани қайд қилинсин.

Судланувчи Н.Д.дан “Avtosanoat Invest” МЧЖга фойдасига 547.121.670 сўм етказилган зарар ундирилсин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Манфаатдор тарафларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаровий судлов тартибида даъво қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи

И.Абраев

Ҳайъат судьялари

Т.Бекпулатов

С.Сувонқулов

